

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2022-yil 13-dekabr, seshanba

№ 48 (9212)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Хурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа ходимлари! Муҳтарам фахрийлар!

Меҳнат мавсуми охирида, соҳадаги ишлар сарҳисоб қилинаётган мана шу қутлуғ дамларда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги касб байрамингиз – Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шукуҳли айёмда, аввало, ҳалол пешона тери, фидо-корона меҳнати билан ердан ноз-неъмат ундириб, ҳаётимизга қут-барака, файзу қувонч олиб кирадиган миришкор деҳқонларимиз, барча соҳа ходимларига энг эзгу тилақларимизни билдирамиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам ўз касби ва бурчига содиқ қолиб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган заҳматкаш, мард ва олижаноб инсонларни кўраимиз.

Айниқса, бутун дунёда иқлим ўзгариб, ер ва сув ресурслари борасида ҳам турли муаммолар кўпайиб бораётган ҳозирги вақтда ҳақиқий матонат ва жасорат, омилкорлик фазилатларини намоён этиб, барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб келаётганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Шу маънода, бозор ва дўконларимиздаги тўқимачилик ва арзончилик, шаҳар ва қишлоқларимиз, хонадонларимиз ободлигида сизларнинг ҳиссангиз бекиёс, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда инсон қадрли ва манфаатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида биринчи ўринга қўйилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, бошқоқли дон етиштириш ва харид қилишнинг янги тизими жорий этилиб, деҳқонларимизнинг омборлари донга, рўзғори қут-баракага тўлаётгани, аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро имтиёзли кредитлар ажратилгани, маҳсулот етиштириш, суғориш, уруғ ва қўчат сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар субсидия ҳисобидан қоплаб берилётганини таъкидлаш лозим.

Ўзбек пахтасига жорий этилган бойкот бекор қилиниб, тўқимачилик соҳасидаги йирик брендлар мамлакатимиз пахта бозорига қайтмоқда.

Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун жорий йилда 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, очик электрон аукцион орқали аҳолига тарқатилди. Бунинг ҳисобидан 420 мингдан ортиқ янги хўжалик ташкил этилиб, 1 миллион 200 минг дан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилгани айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Ҳеч шубҳасиз, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги тобора ортиб, минтақамизда чўллашиш жараёни кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига ҳам долзарб вазифалар қўймоқда.

Биз соҳани барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аграр тармоқда бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттирамиз. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилаш, сув хўжалиги инфра-тузилмасини модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни бошлаймиз.

Пахтачилик ва ғаллачиликда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, илмий асосда маҳсулот етиштириш, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш чоралари кучайтирилади.

Шу билан бирга, маҳаллий шароитга мос, арзон қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, уларни фермер ва деҳқонларимизга имтиёзли шартларда етказиб бериш, субсидиялар ажратиш ва қўшимча молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилади. Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш, амалиёт ва илм-фан интеграциясини мустаҳкамлаш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бандлиқни таъминлаш мақсадида бошланган ижобий тажриба давом эттирилиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун қўшимча 100 минг гектардан ортиқ ер аҳолига тарқатилади.

Қадрли юртдошлар!

Мана шу қувончли айёмда ўзининг фидоқорона меҳнати, бой билим ва тажрибаси билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичга олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган деҳқон ва фермерларимиз, агрокластерлар раҳбарлари ва ходимларига, соҳада меҳнат қилаётган барча ватандошларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, эзгу фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Доимо меҳнатингизнинг роҳатини кўриб юринг!

Ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

Шавкат Мирзиёев,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

АЗИЗ ВОИТОВ: ЎЗБЕКИСТОН 2019-2022 ЙИЛЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЭНГ ЮҚОРИ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭРИШДИ

Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини XXI асрнинг асосий ва инсоният олдига энг жиддий муаммолардан бири эканлигини тан олмақда. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги тобора ортиб, минтақамизда чўллашиш жараёни кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига ҳам долзарб вазифалар қўймоқда.

Хўш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳа ва тармоқларида қандай ислохотлар амалга оширилмоқда?

Маълумотларга кўра, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун жорий йилда 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, очик электрон аукцион орқали аҳолига тарқатилган. Бунинг ҳисобидан 420 мингдан ортиқ янги хўжалик ташкил этилиб, 1 миллион 200 мингдан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилган. Эътиборлиси, ўзбек пахтасига жорий этилган бойкот бекор қилинди. Ўтган машаққатли даврдан кейин тўқимачилик соҳасидаги йирик брендлар мамлакатимиз пахта бозорига қайтмоқда.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” да қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирида шулар ҳусусда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асадов Президент номидан қишлоқ хўжалиги ходимларини табриклади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ



хўжалиги вазири Азиз Воитовнинг таъкидлашича, жорий йилда соҳани ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси доирасида туб ислохотлар амалга оширилиб, бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, “Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги” индексида Ўзбекистоннинг ўрни 113 та мамлакат орасида 85-ўридан 73-ўринга ёки 12 поғонага кўтарилди.

– Ўзбекистон 2019-2022 йилларда



озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичларига эришган 10 мамлакат ичида 1 – ўринни эгаллади, – дейди А.Воитов. – Келгусида фермер ва деҳқонлар тақлифлари, илғор халқаро тажрибалар асосида аграр соҳада молиялаштириш, кредитлаш, суғурталаш ва субсидиялашни мутлақо янги тизимлари жорий этилади. Маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни тизимли ташкил этишда ўзаро кооперацион ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида қонуний асослар яратилади. Ҳар бир вилоятдаги 3-4 тадан туманда Агрохизматлар

марказлари ташкил этилади. Экинларни жойлаштириш, имтиёзли кредитлар ажратилишини мониторинг қилиш бўйича “Агроплатформа” ахборот тизими ишга туширилади. Худудларда замонавий инфраструктурага эга “Озиқ-овқат саноат парки” ташкил этилади.

Қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат дастурлари доирасида кўплаб илмий лойиҳалар молиялаштирилган.

(Давоми 2-саҳифада)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

КЛАСТЕР ТИЗИМИ: МАНФААТДОРЛИК ОШМОҚДА

Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги “Hamza ekspo tekstil” масъулияти чекланган жамияти пахта-тўқимачилик кластери сифатида истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Польша ва Германияга экспорт қилинмоқда.

Корхонада шу кунга қадар умумий қиймати 3 миллион долларлик тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни хорижга сотган. Йил охирига қадар бу борадаги кўрсаткич 5 миллион долларга етказилади. Бу ўтган йилга нисбатан икки ҳиссага кўп. Бугунги кунда аграр соҳадаги янгича ёндашувлар самарасида пахтачиликда бутунлай янги босқичга қадам қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада)



ОБУНА МАВСУМИ ДАВОМ ЭТАДИ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, “ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ”НИНГ КЎП ЙИЛЛИК ҚАДРДОНЛАРИ, ҲАМФИКРЛАРИ, ҲАМКОРЛАРИ!

Бугун ўзингизга яхши маълумки, юртимизда кейинги йил учун даврий нашрларга обуна уюштириш даври. Бу давр шундай ўтмоқдаки, газетанинг жамиятдаги ўрнига бефарқ қараш, унинг хизматини шубҳа остига олиш каби негатив қарашли фикрлар ҳам қўлоғингизга чалиниб тургандир? Бундай хулосалар аллақачонок бутун дунёда, хусусан, юртимизда ҳам асоссиз фикрлар эканлиги ўз тасдиғини топиб бўлди. Бугун газета ва унинг муштарийси ҳамфикр бўладиган пайт келди. Газета ҳеч қачон Сизнинг беминнат ҳаммаслагингиз бўлиш ниятидан воз кечмайди. Сизнинг ҳам ўз хизматинингизга беминнат киришувчи нашрингизни маҳкам қучиб, қўллайдиган пайтингиз бугун. Биз Сизга ишонамиз. Шу мақсадда бугун давом этаётган обуна мавсумида қарийб 50 йил давомида ҳаммаслагингиз бўлган ўз нашрингизга обуна бўлишда асло иккиланманг! Сиз обуна бўлиб, ўз-ўзингизга бир йил давомида маънавий-материал дастурингиз, фаолиятда кўмакчингизни танланг.

“ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ” Сиз билан

ОБУНА ОБУНА УЮШТИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАҲРИРИЯТ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ. Таҳририят билан боғланиш учун телефон рақамлар: 71-233-40-87, 71-233-09-93, 71-233-28-04, 95-080-43-70, 99-050-69-45, 90-317-19-16.



(Давоми 2-саҳифада)

Кейинги 20 йил ичида қадоқлаш маҳсулотларининг ҳажми 246 баробарга ошган

АЗИЗ ВОИТОВ: ЎЗБЕКИСТОН 2019-2022 ЙИЛЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЭНГ ЮҚОРИ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭРИШДИ

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, илмий ташкилотлар томонидан “Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазаси” фанлари йўналиши бўйича умумий қиймати 226 миллиард 889 миллион сўмлик 165 та лойиҳа бажарилган. Умумий қиймати 34,1 миллиард сўмлик 33 та илмий лойиҳаларнинг бажарилиши яқунланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Шухрат Ғаниев бу йилги баҳор ва ёз ойларининг ноқулай келиши деҳқону-фермерларга қатор қийинчиликларни юзага келтирганлигини қайд этди.



ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Йиғилишда Мактабгача таълим вазирлиги вакили берган маълумотга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз бўйича 20 минг 842 та уй боғчалари бор. Аммо 643 та маҳаллада на оилавий боғча, на давлат боғчалари мавжуд. 2 минг 246 та маҳаллада қамров даражаси 50 фоиздан кам ҳолатни ташкил этади.

Муҳокамаalarda сўз олган фракция аъзолари партия сайловолди дастурида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва мазкур муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шароитларни тубдан яхшилаш,

– 2022 йил қишлоқ хўжалиги ходимлари учун ҳақиқий синови йил бўлди, – дейди Шухрат Ғаниев. – Об-ҳавонинг ноқулай келиши соҳада бир-қанча муаммоларга сабаб бўлди. Бу каби муаммолар улардан ўз ишларига масъулият билан ёндашишни талаб этди. Кейинги йилларда аграр соҳада яратилган тизим туйфайли шундай оғир йилда ҳам барча тармоқларимизда юқори кўрсаткичларга эришилди. Соҳа ходимларининг фидокорона меҳнати сабабли жорий йилда 7,2 миллион тонна ҳосил етиштирилиб, шундан давлат ресурсларига 2,6 миллион

тонна дон харид қилинган. 4,6 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 3,5 миллион тоннадан зиёд пахта, 24 минг тонна пилла, 2,7 миллион тонна гўшт ва 11,7 миллион тоннадан ортиқ сут, 8,7 миллиард дона тухум, 500 минг тонна балиқ маҳсулотлари олишга эришилган. Худди шундай, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, асаларичилик маҳсулотларини қайта ишлаш, уларни экспорт қилиш бўйича ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди.

Албатта, буларнинг ҳаммаси деҳқону-фермерларнинг, кластерларнинг, чорва пиллакорларнинг, сувчию-механизаторларнинг, олим-мутахассисларнинг машаққатли меҳнати ва пешона тери эвазига яратилди.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА мухбири.



КЛАСТЕР ТИЗИМИ: МАНФААТДОРЛИК ОШМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Асосий, кластер тизимининг йўлга қўйилгани иқтисодий самарадорликка хизмат қилмоқда. Дастлабки йили 6 минг 200 гектар пахта майдонидан 31 центнердан 19 минг 300 тонна пахта териблинган бўлса, ўтган йили ҳосилдорлик салмоғи 35,5 центнерни ташкил қилди. Қабул пунктларида 22 минг 300 тоннадан ортиқ ҳосил жамланди, ўртача ҳосилдорлик миқдори 7 центнерга ошди.

– Кластер усулида ишлаш бизга жуда маъқул бўлмоқда, – дейди Олтиариқ туманидаги “Ғаффоржон нури келажаги” фермер хўжалиги раҳбари Озода Нурбоева. – Илгарилири техника, минерал ўғит, ёқилғи, сув масаласини ҳал этиш анча оворагарчиликларга сабаб бўларди. Даладаги иш қолиб, шу муаммоларни бартараф этиш билан банд бўлиб қолардик. Натижада ҳеч бир ишни вақтида амалга ошира олмадик. Ҳозир эса ҳамма нарсаси муҳайё, фақат ишлаш керак. Қолаверса, пахта етиштиришга давлат буюртмаси бекор қилингани янада катта имкониятлар яратди. Буюртма бекор қилинган кластер билан тузилган шартномага кўра, пахтанинг бир тоннасини қарийб 10 миллион сўмдан сотдик. Дастлабки

ҳисоб-китобларга кўра, пахтачиликнинг ўзидан 200 миллион сўмдан ортиқ соф фойда оляпмиз. Бу аввалги йилларга нисбатан анча кўп. Бунинг ҳисобига янги техникалар харид қилдик, қўшимча ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиб, ўндан ортиқ иш ўринлари яратдик.

Пахта-тўқимачилик кластерлари иш самарадорлиги учун экинлар ҳосилдорлиги албатта, муҳим. Энг асосий мақсад, йиғиштириб олинган хом-ашёни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш ва экспортга йўналтириш, янги иш ўринлари яратиш.

– Бу йўналишда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда, – дейди пахта-тўқимачилик кластери раҳбари Отабек Саидов. – Бугунга келиб ип йиғирув, тўқувчилик, тикувчилик тармоқлари қурилди, 400 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Айни кунда матоларга ранг бериш, Қизилтепа массивида ишлаб чиқариш қуввати 50 минг тонна пахтани бирламчи қайта ишлайдиган замонавий корхона қурыпмиз. Масалан, пахта толасидан бир килограмм оддий ип ишлаб чиқарилса, нархи бир доллар, тайёр маҳсулот шаклида эса 5 доллардан юқорига сотиш мумкин бўлади.

Бу ерда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган хўжалик сумкалари пишиқ-пукта, қулайлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Ҳар куни 20 минг дона экологик тоза хўжалик сумкаси ва бошқа ётоқхона чойшаблари ишлаб чиқарилади. Ўтган тўққиз ойда Европа ва Океан орти, Ўрта Осиё мамлакатларига 1 миллион 300 минг дона тайёр ёки 2,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини қўшимча тармоқлар ҳисобига кенгайтириб бормоқда. Бу йил 2 минг 300 гектар ерда галлачилик йўналишида кластер ташкил этилди. Сув етиб бориши қийин бўлган галла майдонларининг 700 гектарида ёмғирлатиб сўғориш ускуналари ўрнатилди. Қувасой шаҳридаги “Пакана” маҳалла фуқаролар йиғинида 100 минг бош тухум ва гўшт, гидропоника усулида сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган кластерлар фаолияти йўлга қўйилди. Корхона ташаббуси билан “Бўрбонлик” маҳалла фуқаролар йиғини худудида йиллар давомида сувсизликдан қакраб ётган 1000 гектар ерга сув олиб бориш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Долзарб мавзу

Кишилик жамияти ва табиат бир бутундир. Сўнгги йилларда табиий ресурсларни истеъмол қилиш ҳажми ва суръатининг ўса бориши билан боғлиқ ҳолда инсониятнинг табиатга кўрсатаётган таъсири ҳам тобора кучаймоқда. Бутун дунёда бўлганидек Ўзбекистонда ҳам қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Савдо тармоқлари (супермаркетлар, гипермаркетлар ва бошқалар) сонининг аҳоли ҳар бошига ялпи ички маҳсулот ўсиши билан бир вақтда ортиши қадоқланган маҳсулотлар учун харид қилишнинг, пировардидида ҳосил бўладиган ҚМЧнинг ортишига олиб келмоқда. Урбанизация ҳам чиқиндилар ҳосил бўлишига таъсир кўрсатиб, шаҳар ҳудудлари аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпроқ чиқинди чикармоқда. Натижада, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш ҳудудларда ечилмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳар куни катта миқдорда кераксиз материаллар (ашёлар) чиқиндига айланади. Бундай аралашмалар таркибидида қимматли бўлган компонентлар, яъни металл, қоғоз, шиша ва пластиклар бор. Чиқиндилар полигонларда кўмилганда, бу эски фракциялар шундайлигича йўқолиб кетади. Бундан ташқари, бу аралашмаларда анчагина хавфли компонентлар ҳам мавжуд: маиший иссиқ ўлчакчи ва люминесцент чиқоқлардаги симоб, батареялардаги кислоталар ва бошқалар. Чиқиндилар тўпланиш ҳажмининг мунтазам равишда ўсиши ва уларни утилизация қилиш воситаларининг етишмаслиги кўпгина шаҳарларимизда муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланишининг ўртача меъёрлари бевосита уй-ҳўй фондида аҳоли жон бошига йилда 240-328,5 кг.га етади. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тарки-

бий қисми 60-80 фоиз таркибий қисми қайта ишлашга яроқли материаллар ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш қулайлиги ўсишини амалга ошириш замонавий ҳаётга янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ вазифаларни қўйиш билан бирга келади. Мисол учун, бир марталик пластик қадоқлаш материалларининг арзонлиги атроф-муҳит муҳофазаси учун аксинча қимматга тушади. Натижада, тупроққа тушгандан кейин, унинг кимёвий ва физик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келади ва тупроқ таркибидида тирик макро ва микро организмлар сонини камайтиради ва унумдорлигини бузади. Ифлослантирувчи моддалар билан биргаликда касаллик қўзғатувчи бактериялар, гельминт тухумлари ва бошқа зарарли организмлар кўпича тупроқнинг қуйи қатламларига киради.

Инсоният янгилик сифатида биологик ва биокимёвий парчаланмайдиган бирикмаларни ихтиро қилди. Уларга турли хил қадоқлаш материаллари, суяқликларни сақлаш учун идишлар, каучук, лавсан, синтетик полимерлар, ювчи воситалари, бўёқлар киради. Узоқ муддат давом этадиган кимёвий ва биокимёвий бундай маҳсулотларнинг барчаси атроф-муҳит ва одамлар ҳаёти учун зарарли моддалар чиқариб парчланади.

Ҳозирги вақтда барча турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш фақат бир нечта мамлакатларда анъанавий амалиётга айланиб бормоқда, аммо ундан фойда-

ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ САРАЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

ланиш зарурати муҳим бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва шу билан бирга энергетик аҳамиятга эга. Чиқинди полигонларида чиқиндиларнинг ер остидаги кимёвий парчаланиши натижасида атроф муҳитга карбонат ангидрид ва метан газини чиқаради, бу эса атмосферадаги иссиқликни ушлаб, сайёрамизга таҳдид соладиган иссиқхона эффектини яратади. Мана шундай долзарб экологик муаммоларга ечим топиш учун 2019 йил 17 апрелда Президентимизнинг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти мутахассислари томонидан Тошкент шаҳри Олмазор, Яшнобод туманлари, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри ҳудудлари кесимидида аҳоли ва юридик шахсларнинг ҚМЧларни саралашда экологик маданиятини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаш бу сайёраимизни чиқиндилардан тозалашнинг биринчи қадамидир. Кейинги 20 йил ичида қадоқлаш маҳсулотларининг ҳажми 246 баробарга ошган. Чиқиндилар сайёраимиз бўйлаб тенг тақсимланса қалинлиги 2 см. бўлган қатлам ҳосил қилади. Тасаввур қилинг, консерва банки 8-10 йил давомида тупроқда

парчаланиши мумкин. Пластик бутилкалар куёш нури тушганда 150 йилда, агар тупроқ остида чирийдиган бўлса 400 йилда, полиэтилен пакетларнинг чириши учун камида 400 йил керак бўлади. Coca-Cola, Fanta ва Pepsi-Colalarнинг алюминий қутилари 500 йилда йўқ бўлади. Шиша идишлар минг йиллаб ётади. Ҳозирги вақтда муаммонинг энг долзарб ва оқилона усули чиқиндилардан онгли равишда қайта фойдаланиш. Биз қайта ишланадиган қоғоз картон, полимерлар, металл, эскирган маиший техникалар, кийим-кечаклар, симобли батареяларни саралаб, қайта ишлашга берибгина сайёраимизни кўпроқ ифлосланишдан сақлаймиз.

Германияда маиший чиқиндиларни алоҳида йиғиш 1980 йилларнинг охиридан бошланг бўлиб, 2015 йилдан бошлаб, республикада чиқиндиларни танлаб йиғишнинг ягона тизими ишлаб келмоқда. Германияликлар маиший чиқиндилардан биомасса, қоғоз, шиша, металллар ва пластмассаларни алоҳида йиғадилар. Бу турдаги чиқиндилар учун алоҳида рангли идишлар ўрнатилган. Масалан, кўк – қоғоз маҳсулотлари учун (газеталар, журналлар, картон қутилар), яшил – органик чиқиндилар учун. Дорионаларда муддати ўтган дори-дармонлар қабул қилинади, дўконларда эски батареялар учун йиғиш пунктлари мавжуд бўлиб, Германияда маиший чиқиндиларнинг 66 фоизи қайта ишланади. Япония пластмассани қайта



ишлаш бўйича дунёда етакчилардан бири бўлиб, 1997 йилда қабул қилинган қонун асосида биринчи марта саноат ва уй-ҳўжалигидаги полимерларни бошқа тоифадаги чиқиндилардан ажратиш мажбурий ҳисобланади. Шу сабаб ишлаб чиқаришда ишлатиладиган пластмассанинг улуши 39 фоиздан 83 фоизгача ошган. У ерда саноат чиқиндилари қурилиш материалли сифатида ишлатилади. Нағоя шаҳри яқинида парчаланган саноат чиқиндиларидан сунъий ороллар қурилган. “ABA-Трэйд” ва Япониянинг “Super Faiths” компанияси технологияси памперс ва тагликларни ёқилғи брикетларига қайта ишлашга имкон беради, уни қозонхоналарда ҳам, хусусий иситиш тизимларида ҳам ишлатиш мумкин. АҚШда, масалан, Сан-Францискода 80 фоизгача чиқиндилар қайта ишланадиган шаҳарлар бор. Чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, чиқиндиларни бошқариш тизимининг барча иштирокчиларига таъсир кўрсатадиган самарали рағбатлар бўлса, чиқиндиларни алоҳида йиғишни жорий этиш мумкин. Баъзи мамлакатларда, масалан, нотўғри ташлаб юборилган си-

ҳажмини қисқартириш лозим. Республикаимизда саралаб йиғишда жамоатчилик иштироки паст даражада бўлиб, аҳолининг экологик маданияти етарли даражада ривожланмаганлигидир. Қаттиқ маиший чиқиндиларни алоҳида тарзда йиғиш маданиятини шакллантириш ва кучайтириш лозим. Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш масаласига аҳоли ва жамоатчиликни муносабатини ўзгартириш керак. Чиқинди ва ахлатларни йиғиштиришни тўғри ташкил этиш жамиятга ҳам табиатга ҳам наф келтиради. Чиқиндилар миқдорини камайтиришга имкон берадиган технологияни кенг қўллаш ва чиқиндиларни энг кўп даражада қайта ишлаб чиқатиш мақсади билан қайта ишлашга имкон беради, уларнинг атроф табиий муҳитга зарарли таъсирининг олдини олишга хизмат қилади. Чиқиндиларни саралашнинг асосий мақсади атроф-муҳит ифлосланишини олдини олишдир.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш уларни тўплаш, сақлаш, ташиш ва кўмиш билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Полигонларга кўмиш учун йўналтирилмаган ҚМЧнинг ҳосил бўлиши ва тўпланиш ҳажми камайтириш, иккиламчи моддий ресурсларни йиғиш ҳажми ва уларни хўжалик айланмасига жалб қилиш оширилгани ҳолда хомашёни сотишдан олинмаган даромад кўпаяди. Қолаверса, маиший чиқиндиларни саралаш ер ресурсларини тежаш имконини беради.

Ирода РЎЗИЕВА,
Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти Чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш лабораторияси мудири.

У 36 йиллик меҳнат фаолияти давомида кўплаб ёш мутахассисларга устозлик қилди

Soxaning fidoyi aʼllari

Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида 36 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган Гулинор Имомовани минг нафардан ортиқ муҳандис-техник ишлаётган катта жамоада барча ҳурмат қилади, ўзимизнинг меҳрибон ва ғамхўр иқтисодчи опамиз, деб ардоқлашади. Гулинор опа бунчалик обрў-этиборга ўзининг камтарлиги, ҳар бир ходимга аёлларга хос ширинсуханлиги ҳамда меҳрибонлиги, ҳар бир ишни адолатли ҳал этиши, муҳими, чин дилдан ишлайдиган ходимларга нисбатан оналарча ғамхўрлик кўрсатиши билан эришган, десак сира муболаға бўлмайди.

ЖАМОАДА ИҚТИСОДЧИ ОПА, ОИЛАДА ОҚИЛА БУВИ



Ангор туманининг “Коммунизм” қишлоғида туғилиб, вояга етган Гулинор опа ёшлик даврини шундай хотирлайди: “Ҳар куни синфдош дугоналарим билан қишлоғимиз қоқ ўртасидан ўтган ариқ ёқалаб мактабга қатнардик. Гоҳ жилдираб, гоҳ шарқираб оқаётган сув қаердан келиб, қаёққа кетаркан, деб ўйлардим. Ёз ойлари отам ариқдаги сувни ҳовлимизга бошқариб, гулу райҳонларни ва томорқадаги бошқа экинларни суғориш учун кўлида кетмон билан сув ёқалаб юрар, отамга чойнакда чой дамлаб борганимда пиёлагада чойдан ҳўплаб “баракат топ, қизим” дей ва пешонасидаги терни артиб, ариқни тўлдириб оқаётган обиҳаётга боқиб, “Сув берган элда азиз”, “Сув бу ҳаёт” дердилар.

Дарвоқе, Гулинор турмушга чиққач, эри билан сув ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилишларини, вилоят аҳолиси томорқалари, боғ-роғлари, шунингдек, ҳўжаликларнинг беоёнд далаларини сув билан таъминлашга ҳисса қўишларини хаёлига ҳам келтирмасди. Аммо тақдирдан қочиб қўтилиб бўлмас экан. Саксончи йилларнинг ўрталарида Тошкент

халқ ҳўжалиги институтининг иқтисод факультетини имтиёзли тамомлаган Гулинорни ўша давр талаби бўйича йўлланма билан Термиз туманида жойлашган “Зангстрой” кўчма жамланмасига ишлашга юборишди. Бу ташкилот бунёдкорлари асосан сув ҳўжалиги объектлари ҳамда чўл худудлардаги ерларга сув элтиш учун лоток ариқларни қуриш билан шуғулланарди. Табиийки ирригаторлар ҳам онда-сонда қайсидир бир юмуш билан бу ташкилот идорасига бош суқишарди. Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини Гулинор билан деярли бир пайтда битириб, вилоят сув ҳўжалиги бирлашмасида энди иш бошлаган ёш мутахассис Эломон Болтаев ўзи меҳнат қилаётган ташкилотнинг топшириғи билан кўчма жамланмага келадию қўҳлиқина, оқ юзли қизни бир кўрғандаёқ маҳлиё бўлади- қолади. Қарабсизки, тез орада икки ёшнинг никоҳ тўйлари бўлади.

Турмуш ўртоғи ўзи билан бир ташкилотда ишлашини истаган Эломон Болтаев Гулинорни кўчма жамланмадаги “иссик” жойидан силжитиб, бирлашманинг иқтисод бўлимига ишга жойлаштирди. Ёш мутахассис, тартибдор-интизомли Имомова бўлимдаги ишларни сидқидилдан бажараётгани учун тез орада жамоа аъзоларининг ҳурматини қозона бошлади. Иқтисодий таҳлилларда билимдонлигини кўрсатган Гулинорнинг сув ҳўжалиги бирлашмаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бо-

шқармасининг бош иқтисодчиси лавозимига тавсия қилишади. Бу орада маҳоратли мутахассисга айланган Гулинорни бошқа ташкилотларга ҳар хил лавозимларга ишга таклиф қилишди. Лекин у “дарахт бир жойда қўрадиш”, деган халқ нақлига амал қилиб, бошқарманинг бош иқтисодчиси бўлиб 36 йил ишлади ва нафақага чиқди. Лекин жамоа аъзолари, иқтисод бўлимидаги мутахассислар, раҳбарият “уйда ўтирсангиз, одамлардан ажралиб қоласиз”, дея унинг илмидан, иқтидоридан ҳамон бош иқтисодчи сифатида фойдаланишаяпти.

– Сув ҳўжалиги соҳасида ишлаб, англаганим шу бўлдики, ҳар қатра сувнинг ҳам ҳисоб-китоби ва эгаси бўларкан, – дейди Гулинор Имомова. – Вилоятимиз далаларининг 80 фоизи насослар орқали суғорилишини ҳисобга оладиган бўлсак, қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти учун бюджетдан жуда катта миқдорда маблағ ажратилаётганини ҳамма ҳам англаб етавермайди. Баъзи майдонларга сув чиқариш харажати олинадиган ҳосилию даромадидан ҳам ортиб кетади. Бошқармага қарашли 113 та насос станцияси ва уларда ишлатилаётган 553 та агрегатнинг бир йиллик эксплуатация ҳамда энергия харажатлари миллиард-миллиард маблағ талаб этади. Лекин кўпчилигимиз оёғимиз остидади оқиб ўтаётган сувнинг қадрига етмаймиз. Ҳар қатра обиҳаддан тежаб фойдаланиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлиши керак.

Тажрибали иқтисодчи Гули-



нор Имомова нафақага чиққан лавозимига тавсия қилишади. Бу орада маҳоратли мутахассисга айланган Гулинорни бошқа ташкилотларга ҳар хил лавозимларга ишга таклиф қилишди. Лекин у “дарахт бир жойда қўрадиш”, деган халқ нақлига амал қилиб, бошқарманинг бош иқтисодчиси бўлиб 36 йил ишлади ва нафақага чиқди. Лекин жамоа аъзолари, иқтисод бўлимидаги мутахассислар, раҳбарият “уйда ўтирсангиз, одамлардан ажралиб қоласиз”, дея унинг илмидан, иқтидоридан ҳамон бош иқтисодчи сифатида фойдаланишаяпти.

– Сув ҳўжалиги соҳасида ишлаб, англаганим шу бўлдики, ҳар қатра сувнинг ҳам ҳисоб-китоби ва эгаси бўларкан, – дейди Гулинор Имомова. – Вилоятимиз далаларининг 80 фоизи насослар орқали суғорилишини ҳисобга оладиган бўлсак, қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти учун бюджетдан жуда катта миқдорда маблағ ажратилаётганини ҳамма ҳам англаб етавермайди. Баъзи майдонларга сув чиқариш харажати олинадиган ҳосилию даромадидан ҳам ортиб кетади. Бошқармага қарашли 113 та насос станцияси ва уларда ишлатилаётган 553 та агрегатнинг бир йиллик эксплуатация ҳамда энергия харажатлари миллиард-миллиард маблағ талаб этади. Лекин кўпчилигимиз оёғимиз остидади оқиб ўтаётган сувнинг қадрига етмаймиз. Ҳар қатра обиҳаддан тежаб фойдаланиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлиши керак.

Тажрибали иқтисодчи Гули-

Аммо фарзандлар айна ўқийман, уйланаман, турмушга чиқаман деган пайти ҳамма оғирлиқни Гулинорга ташлаб, бу дунёни эрта тарк этди. Аёл боши билан Гулинор барчасига чидади, сабрли бўлди, қийинчиликларни меҳнат билан енгди. Беш нафар фарзандни олийгоҳларда ўқитди, касбли қилди. Қизларини ўзлари севган йигитларга турмушга узатди, ўғилларини уйлантирди. Фарзандларидан фақат Элдор ота-она касбига қизикди, ҳозирда Термиз шаҳар “Сувоқова” ДУҚка раҳбарлик қилмоқда. Оилада Гулинор опа ўғил-қизлар ва келинларга доно маслаҳатчи, бир этак невараларнинг меҳрибон бувиси.

Бошқармадаги 36 йиллик меҳнат фаолияти давомида Гулинор Имомова жуда кўп ёш мутахассисларга устозлик қилди. Ўзидаги бор билим ва тажрибани ёшларга ўргатишдан сира эринмайди, дилида ғубори йўқ, билимаганларга амалий ёрдами аямайди.

Айни пайтда бошқармада хотин-қизлар масалалари бўйича жамоатчилик кенгашига раҳбарлик қилаётган Гулинор опа сув ҳўжалиги соҳасида хотин- қизлар камлигини айтиб ўтиш бораборида охириги йилларда тармоқда рақамли технологиялар жорий қилинаётганлиги, сувдан фойдаланиш ва уни назорат қилиш ҳамда олдиндан воқеълиқни прогноз қилувчи дастурий таъминот яратилаётгани туфайли соҳада хотин-қизлар сафи кенгайишига умид қилади.

Усмонбек НОРМАТОВ, журналист

“АГРОБАНК” КўМАГИДА “АЛДАБЕРГЕН” ҚИШЛОғИГА ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛДИ

Қадимдан “Сув бор жойда, ҳаёт бор”, дея бежиз айтилмайди. Табиат, инсон, умуман барча мавжудодлар сув билан ҳаётдир.

Навоий вилояти ҳудуди бепанё чўл ва даштликлардан иборат. Шундай бўлса ҳам, қаерда сув бўлса ўша жойда ҳаёт бор. Томди тумани шунга яхши мисол бўла олади. Томди тумани “Аяқудук” овул фуқаролар йиғини ҳудудида “Алдаберген” қишлоғи бор. У туман марказидан 280 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда 69 та хонадон бўлиб, аҳоли сони 360 кишини ташкил этади. Бу ер кўпроқ чўл зонаси бўлганлиги учун аҳолини анча вақтдан бери тоза ичимлик суви танқислиги муаммоси қийнаб келарди. “Агробанк”дан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Томди тумани бўлинмаси хузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасига 500 миллион сўм ҳомийлик маблағи ажратилди. Мақсад, туман аҳолиси олдида турган ичимлик суви ва бошқа ижтимоий муаммолар ечимида қўмақлашшдан иборат. Шу маблағлар ҳисобидан “Алдаберген” қишлоғида лойиҳа қиймати

158 млн. сўм бўлган, 100 метр чуқурликдан ер ости артезан қудуғи қазиб берилди. Шундай қилиб, банк кўмағида аҳолини анча вақтдан буён қийнаб келаётган ичимлик суви муаммоси ўз ечимини топди.

Жонибек ҚОДИРОВ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бош мутахассиси.

Тўғри ҳаёт кечириш учун ИМКОНият

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг фармонига кўра, содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 402 нафар шахс афв этилди.

Бу шахсларнинг 128 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилган бўлса, 201 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 15 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 58 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Жазони ижро этиш муассасалари ва ички ишлар идоралари пробация органларида жазо муддатини ўтаётган йигирма нафардан ортиқ самарқандликлар ҳам ушбу фармон асосида афв этилди.

Ургут тумани Қуйи Алгар маҳалласида яшовчи Рустам Сатторов давлатимизнинг бағрикенглик сиёсатидан

баҳраманд бўлган шахслардан бири. Жиноят кодексининг 159-моддаси, 3-қисми, “б” банди билан 16 йилга озодликдан маҳрум этилган Р.Сатторов шу пайтгача белгиланган жазонинг ўн йилини ўтаб, қилмишидан тегишли ҳулоса чиқарди ва тузалиш йўлига ўтгач, Президент фармонига кўра, афв этилди. – Давлатимиз раҳбарининг бу инсонпарварлиги, бағрикенглигини ҳаётда ўз йўлини топиб, жамият учун хизмат қилишга имконият деб биламан, – дейди Р.Сатторов. – Ўтган ўн йил мен учун озодлиқнинг қадрини, ҳалол меҳнат қилиб, ҳаёт кечиришнинг қанчалик буюк неъмат эканлигини англаш учун етарли бўлди. Энди оилам бағрида, фарзандларимга тўғри тарбия бериб, пешона терим билан рўзғор тебратаман.

Самарқанд шаҳар Бирлик маҳалласида яшовчи Хусен Мўминов ҳам билиб-билимай жиноят кўчасига кириб қолганди. У Жиноят кодексининг 273-моддаси, 5-қисмининг тегишли банди билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Афв туфайли Ҳ.Мўминов муддатидан аввал озодликка чиқарилди. Бу унинг яқинлари, оила аъзоларига хурсандчилик бағишлади. Афв этилган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, уларга табиий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, жамиятда ўз ўрнини топишга қўмақлашш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар томонидан зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.



Андижон Вилояти

Илғор фермер ҳўжаликлари Автомобиль билан тақдирланди

Мамлакатимизда ҳар йили декабрь ойининг иккинчи якшанбаси “Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунин” сифатида кенг нишонланади.

Жорий йилда ҳам юртимизнинг барча худудларида қишлоқ ҳўжалиги ходимлари байрами катта тантана билан нишонланди. Андижон тумани Бўтақора маҳалласидаги адирлик худудида жойлашган “Супаймон ота” улоқ майдонида халқ сайли сифатида “Улоқ” уйини билан бошланган соҳа ходимларининг байрам тадбирлари Андижон вилоятининг барча туманларида юқори кўтаринкилик билан бўлиб ўтди.

Жумладан, Балиқчи туманидаги тантаналар саройида таъкил этилган байрам тадбири ўзгача руҳда ўтди. Туман ҳокими Жасурбек Абдураимов, секторлар, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ ҳўжалиги тизими ходимлари, меҳнат фахрийлари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз иқтисодиётини, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда қишлоқ ҳўжалигининг ўрни ниҳоятда катта эканлиги, юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш, имкониятларини кенгайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Тадбирда жорий йилда туманда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, айниқса, пахта, ғалла, пилла, умуман, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасида эришилган натижалар эътироф этилди. Тадбирда бир гурӯҳ илгор фермер ҳўжалиги раҳ-

барлари, соҳа ходимлари, меҳнат фахрийлари фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, “Tetratex textil” ҳамда “Skorton textil” кластер корхоналари томонидан юқори ҳосилдорликка эришган тумандаги “Нўмонжон ота обод замини” фермер ҳўжалиги “Жентра”, шунингдек, “Абдурашид олтин замини”, “Балиқчи элита уруччилиги”, “Ўрмонбеклик дархон орузси”, “Жавоҳир оруз ниёти” ҳамда “Балиқчилик Абдужаббор Ўролов” фермер ҳўжаликлари “Дамас” автомашинаси билан тақдирланди. Автомобиллар фермер ҳўжаликлари раҳбарларига тантанали равишда топширилди.

– Жорий йилда пахтадан юқори ҳосил олинди, – дейди Бобур массивидаги “Нўмонжон ота обод замини” фермер ҳўжалиги раҳбари Исматулло Нўмонжонов. – Меҳнатларимизни муносиб баҳоланган, туман ҳокимлиги, ҳамкоримиз “Tetratex textil” кластер корхонаси томонидан “Жентра” автомашинаси билан тақдирланганимиз бизни беҳад қувонтирди. Ушбу эътибор бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди.

Байрам тадбири эл суйган санъаткорлар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар билан янада файзли бўлди.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ, З. УМРЗОҚОВ (сурам), ЎЗА

